

## АСПИРАЦИОН ПНЕВМОНИЯДАН НОБУД БЎЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР БУЙРАГИНИНГ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Эгамов Б

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7456171>

Неонатал давр шартли равишда иккита даврни ўз ичига олади. Эрта неонатал давр чақалоқ туғилганидан 0-7 кунгача бўлган ва кечки неонатал давр 8-28 кунгача бўлган муддат [2,4] . Неонатал даврда аксарият ички аъзоларнинг ривожланиши хар қандай таъсирловчи омилларга жавобан тизимли жавоб реакцияси кўринишида намоён бўлади. Жумладан эрта неонатал даврда (0-7 кун)чақалоқларда ривожланган аспирацион пневмонияларда қўзғатувчиларнинг вертикал манбаи хомиладор она хисобланиши мумкин.

**Ишнинг мақсади** аспирацион синдромдан вафот этган чақалоқлар буйрагининг постнатал онтогенездаги ривожланишининг ўзига хос морфологик ўзгаришларини ойдинлаштириш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Республика патологик анатомия марказида 2018-2022 йиллардаги неонатал даврда жами 142 нафар, жумладан 72 нафар неонатал даврнинг эрта (0-7 кунлик) даврида нобуд бўлган чақалоқлар ва 70 нафар кечки неонатал давр (8-28 кунлар)да нобуд бўлган чақалоқларнинг буйрак тўқимаси материаллари олинган.

**Олинган натижалар.** Буйрак тўқимасининг микроскопик текширувлари неонатал даврда аспирацион пневмония ташхиси билан касалланиб нобуд бўлган чақалоқлар аутопсиясида ажратиб олинган буйрак тўқимасини морфологик ўзгаришларини ўрганишимиз шуни кўрсатадики. Хали такомил топаётган буйрак тўқимасининг пўстлоқ қаватида жойлашган коптокчалар шаклан хали такомил топмаганлиги, фильтрация қилинган бирламчи сийдик таркибида эритроцитларнинг бўлиши, коптокчалар томонидан фильтрацияланган бирламчи сийдик таркибидаги оқсил тузилмаларини проксимал каналча девори ва бўшлиғи бўйлаб конденсацияланиши, шу билан бир қаторда хали такомил топаётган проксимал каналча эпителийлаларининг инфилтратив функциясининг етишмовчилиги оқибатида дистал каналчаларда хам гомоген тўрсимон кўринишдаги оқсил тузилмаларининг учраши аниқланади.

### Хулоса

1. Эрта неонатал даврдаги (0-7 кунгача бўлган давр) чақалоқлар буйраги хомила ичи пневмонияси билан туғилиб 3 суткада нобуд бўлган

чақалоқлар буйрагида сегментар некротик нефроз ўчоқларининг ривожланиши билан намоён бўлди.

2. 7 кунгача бўлган даврда аспирацион пневмония билан касалланган чақалоқлар буйраги гипоксия сабабли, коптокчаларининг шаклан деформациялангани оқибатида, коптокча ажойиб тўр тузилмаларида мезангиал хужайраларнинг пролифератив фаоллигини ошганлиги аниқланди.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**